



## PRACTICAL APPLICATION OF LABOR PROTECTION RULES FOR PHARMACEUTICAL WORKERS

Rohatalieva Munira Oybek kyzy

Faculty of Industrial Pharmacy, 3rd year student,  
rohataliyevamunira@gmail.com, +998979720012

Usmanalieva Zumrad Uktamovna

Ph.D., Associate Professor Head of the Department of Toxicological Chemistry,  
usmanalieva1970@mail.ru, +998946403424  
Tashkent Pharmaceutical Institute

### Abstract

This article analyzes the main occupational safety standards of pharmaceutical workers in accordance with the rules and requirements of occupational safety and health, principles of risk management in the production of medicines in many areas of business and government, including finance, insurance, occupational safety, health, pharmacovigilance and the main performance criteria organizations managing these sectors.

**Keywords:** computer; hypertext; instruction; electromagnetic radiation; asthenopia; accommodation; lighting; product.

### Аннотация

Ушбу мақолада меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва талаблари асосида фармацевтика соҳаси ходимларнинг меҳнатини муҳофаза қилишнинг асосий меъёрларининг таҳлили, дори воситаларини ишлаб чиқариш жараёнида хавфхатарларни бошқариш тамойиллари бизнес ва давлат бошқарувининг кўплаб соҳалари, шу жумладан, молия, суғурта, меҳнат муҳофазаси, соғлиқни сақлаш, фармаконазорат ва ушбу секторларни бошқарадиган ташкилотлар фаолиятининг асосий мезонлари келтирилган.

### Аннотация

В данной статье анализируются основные нормы охраны труда работников фармацевтической отрасли в соответствии с правилами и требованиями охраны труда, принципы управления рисками при производстве лекарственных средств во многих сферах бизнеса и государственного управления, включая финансы,



страхование, охрана труда, здоровье, фармаконадзор и основные критерии деятельности организаций, управляющих этими секторами.

**Калитсўзлар:** меҳнат муҳофазаси; хавф-хатарлар; йўриқнома; иш жойи; сифатни бошқариш; бахтсиз ҳодисалар; хавфли ва зарали омиллар; маҳсулот.

**Ключевые слова:**охрана труда; риски; инструкция; рабочее место; управление качеством; несчастные случаи; опасные и вредные факторы; продукт.

**Кириш.** Ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисидаги намунавий низомга (рўйхат рақами 273, 1996 йил 14 август) мувофиқ амалга оширилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ўз мақомига кўра, ташкилотнинг асосий хизматларига тенглаштирилади ва унинг раҳбарига бўйсунади ҳамда ташкилотнинг фаолияти тугатилган тақдирда бекор қилинади[1, 2].

Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг мутахассислари лавозим йўриқномасига биноан уларнинг мажбуриятлари жумласига киритилмаган бошқа ишларни бажаришга жалб этилишлари мумкин эмас.

Ташкилотларда меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни текшириш ва ҳисобини юритиш Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами 1997 й., 6-сон 21-модда) билан тасдиқланган. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил заарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

Ходимларни ўқитиши, уларнинг билимларини синовдан ўтказиш ва уларга йўл-йўриқ беришни ташкил этиш ходимлари ўз касблари ва иш турлари бўйича белгиланган тартибда ўқишлари, уларнинг билимларини синовдан ўтказилиши ва уларга йўл-йўриқлар берилиши керак[3, 4].

Ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича билимларини синовдан ўтказиш Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқишларни ташкил қилиш ва билимларни синаш тўғрисидаги намунавий низомга (рўйхат рақами 272, 1996 йил 14 август) мувофиқ амалга оширилиши лозим.

Ишларни технологик регламент бўйича хавфсиз юритиш йўриқномалари Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш тўғрисидаги низомга(рўйхат рақами 870, 2000 йил 7 январь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий хужжатлари



ахборотномаси 2000 й., 1-сон) мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда ташкилот ходимларини ва иш жойларини ушбу йўриқномалар билан таъминлаш ташкилот раҳбарияти зиммасига юклатилади.

**Материаллар ва усуллар.** Дорихоналарда меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонун хужжатларига ва мазкур Қоидаларга риоя этилиши устидан давлат назорати, бунга маҳсус ваколат берилган давлат идоралари томонидан, жамоатчилик назорати эса, меҳнат жамоалари ва касаба уюшмалари томонидан сайланадиган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар томонидан амалга оширилади [4, 5, 6].

Дорихоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш «Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисида»ги намунавий низомга (рўйхат рақами 273, 1996 йил 14 август) мувофиқ амалга оширилади ҳамда қуйидагилар назорат қилиниши лозим: иш жойларининг аҳволи;

меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши;

бахтсиз ҳодисаларнинг ўз вақтида ва тўғри ўрганиб чиқилиши;

меҳнатни муҳофаза қилишга ажратилган маблағларнинг тўғри сарфланиши;

меҳнатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларининг бажарилиши.

Дорихоналарда шарт-шароитлар ҳисобга олинган ҳолда хавфли ва заарли омилларнинг ҳамда ушбу омиллар таъсирини камайтириш ёки уларни тўлиқ бартараф этиш тадбирларининг рўйхати тузилади[5, 6, 7].

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг (ҳозирги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги) 2008 йил 17 декабрдаги 76-сонли бўйруғи билан тасдиқланган Фармацевтика ишлаб чиқариши ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларида назарда тутилган Дорихоналарда ходимларга хавфли ва заарли омилларнинг қуйидаги гуруҳлари таъсир этиши мумкин:

а) жисмонийхавфливазараарлиишлабчиқаришомилларигуруҳи:

кучлибосимбиланишлайдиганжиҳоз (автоклав);

жиҳозларваматериалларнингҳароратиюқорибўлганюзаси;

ишzonасинингҳароратиюқорибўлганҳавоси;

намлиқдаражасиюқорибўлганҳаво;

табиийёруғликмавжудэмаслиги.

б) кимёвийхавфливазараарлиишлабчиқаришомилларигуруҳи:

нафасолишийўллариватериқопламасиорқалитаъсирэтувчи зарарларисуюқ, қаттиқ, буғсимонмоддаларвааэрозоллар;

нафасолишийўллари,

териқопламасивакўзгатаъсирэтувчисуюқ, қаттиқвабуғсимонмоддалар.




в) психофизиологикарлывахавфлиишилабчиқаришомилларигуруҳи:  
сезгиорганларинингҳадданташқаризўриқиши;  
мехнатниҳамишибирхиллиги.

Ишлаб чиқарилган дори маҳсулотларни, корхона ходимларини ҳимоя қилиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш учун эҳтиёткорликнинг барча ўзига хос меъёрларини инобатга олиб, ўз мажбуриятларига ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар спецификасига мувоғиқ равишда, биологик фармацевтик субстанциялар ва дори препаратларини ишлаб чиқариш ва назорат қилиш ҳудудларида ишлаётган ходимлар (шу билан бирга, тозалаш, хизмат кўрсатиш ва сифатни назорат қилувчи ходимлар) ўқишдан ўтишлари лозим[4, 5, 6].

Маҳсулотлар хавфсизлигини таъминлаш учун ходимлар соғлиғини эътиборга олиш лозим. Ишлаб чиқариш, техник хизмат кўрсатиш билан банд бўлган ходимлар (жумладан, назоратни амалга оширувчи ходимлар), зарур ҳолларда, тегишли специфик вакциналар билан вакцинация қилинишлари, шунингдек, доимий тиббий кўриқдан ўтишлари лозим[5].

**Натижа ва мунозаралар.** Мехнатни муҳофаза қилиш ва ишлаб чиқариш санитарияси бўйича стандартлар корхоналар фаолиятига жорий қилиниши лозим. Улар хоналарни тартибга солиш ва ускунани тозалаш бўйича валидациядан ўтган йўриқнома, сув сифатига бўлган талаблар, ишлаб чиқариш санитарияси йўриқномалари, соғлиқни сақлаш, шахсий гигиена ва ходимлар кийинишига оид йўриқномалар, шунингдек, чиқиндилар ва ишлатилмаган қолдиқларни чиқариб ташлаш усулларини ўз ичига олади. Бундай стандарт жараёнларини технологик регламентларда доим ҳавола этилиши лозим бўлган мустақил меъёрий хужжатлар сифатида ишлаб чиқилиши лозим. Агар ишлаб чиқариш санитарияси бўйича меъёрий хужжат бирор аниқ ишлаб чиқаришига тааллуқли бўлса, уни технологик регламент асосида тузилади.

Мехнат гигиенаси бўйича, корхона ичida турли эҳтиёжларга мослаштирилган мукаммал дастурлар тузилган бўлиши лозим. Улар ходимларнинг соғлиғи, гигиена қоидаларига риоя қилиши ва кийимларига тегишли услубларни ўз ичига олиши лозим. Мажбуриятлари ишлаб чиқариш ёки назорат қилиш ҳудудларида бўлишни талаб қиласидиган ҳар бир ходим назорат услубларни тушуниши ва уларга аниқ риоя қилиши лозим. Раҳбар ходимлар меҳнат гигиенаси бўйича дастурларни ривожлантиришга кўмаклашишлари керак ҳамда улар меҳнат жараёни давомида кенг муҳокама қилиб борилади[1, 2, 6].



Расм. Сифат учун хавф-хатарларни бошқариш жараёни.

Ҳар бир ишга қабул қилинаётган ходим тиббий кўриқдан ўтиши лозим. Ишлаб чиқарувчи ходим саломатлигининг маҳсулот сифатига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолати ҳақидаги ахборот билан таъминловчи йўриқномалар мавжудлигига маъсул ҳисобланади. Биринчи тиббий кўриқдан сўнг, кейингилари давомий равишда, шунингдек, у ходимлар иши ва соғлиғи учун зарур бўлган ҳолатларда ҳам ўтказилади.

Дори воситаларини ишлаб чиқариш жараёнида хавф-хатарларни бошқариш тамойиллари бизнес ва давлат бошқарувининг кўплаб соҳалари, шу жумладан, молия, суғурта, меҳнат муҳофазаси, соғлиқни сақлаш, фармаконазорат ва ушбу секторларни бошқарадиган ташкилотларда самарали қўлланилади[3, 5 ]. Сифат учун хавф-хатарларни бошқаришнинг фармацевтик соҳада қўлланишига мисоллар маълум бўлса-да, улар анчагина чекланган бўлиб, хавф-хатарларни



бошқаришни таклиф этиши мумкин бўлган қўлланиш соҳасини тўла акс эттира олмайди. Ундан ташқари, фармацевтик саноатда сифат тизимининг аҳамияти тан олинган бўлиб, сифат учун хавф-хатарларни бошқариш самарали сифат тизимининг қимматли бўлими эканлиги ойдинлашди(расмга қаранг).

Ташкилотлар стандартлаштириш нормалари ва қоидалари бўйича хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари, уларнинг тавсифи, юзага келиш манбалари, ходимларга таъсир қилиш хусусиятлари ва саломатлик учун хавфлилик даражаси ва келгусидаги оқибатлари тўғрисида тўлиқ ва холисона маълумотга эга бўлиши лозим.

### **Хулоса ва таклифлар.**

1. Иш жойларидағи ишлаб чиқариш муҳити ҳамда меҳнат жараёнининг хавфли ва зарарли омиллари тўғрисидаги маълумотлар ишлаб чиқариш муҳитининг физик, кимёвий ва микроқлим ўлчови натижалари, шунингдек меҳнатнинг оғир шароитлари аттестация қилиш орқали белгиланиши лозим.
2. Янги зарарли моддалар пайдо бўлишига ёки хавфли ва зарарли омиллар йўқолишига олиб келадиган технологик жараёнлар ўзгаришларида ёхуд янги ишлаб чиқариш ускуналарини жорий қилишда хавфли ва зарарли омиллар тўғрисидаги маълумотларга тегишли ўзгартиришлар киритилиши лозим.
3. Ходимларни хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш муҳити омилларидан ҳимоя қилиш белгиланган стандартлар ва меъёрлар талабларига мос жамоавий ва шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш орқали таъминланиши лозим.
4. Жамоавий ҳимоя воситалари хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларини рухсат этилган миқдоргача камайтириш имконини бермаган ҳолларда шахсий ҳимоя воситалари қўлланиши лозим. Бундай ҳолларда шахсий ҳимоя воситаларисиз ходимларнинг ишга жалб қилиниши тақиқланади.

### **Qollanilgan adadiyotlar:**

1. Sulaimanovich S. S., Murtozaevich H. S. Causes and Prevention of Athlete Injuries During Training Sessions and Competitions //JournalNX. – С. 325-329.
2. НарзиевШовкиддинМуртозаевич, Рахимова АзизаХусанКизи ПРИМЕНЕНИЕ И АНАЛИЗ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ МЕТОДОВ В УЧЕБНОМ ПРОЦЕССЕ // ТЕСНика. 2021. №1 (5). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/primenie-i-analiz-pedagogicheskikh-metodov-v-uchebnom-protsesse> (дата обращения: 08.04.2021).
3. Usmanalieva Z.U., Zulfikarieva D.A.Spectral analysis of albendazole in forensic chemistry. European Journal of Molecular & Clinical Medicine, 2020, Volume 7, Issue 3, Pages 3090-3099.



4. Нарзиев Шовкиддин Муртозаевич, Ботиров Акбар Бахриддинович  
БЕЗОПАСНОСТЬ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ЧЕЛОВЕКА МЕТОДЫ ИЗУЧЕНИЯ И АНАЛИЗА РИСКОВ В ТРУДОВОМ ПРОЦЕССЕ // ТЕСНика. 2021. №1 (5). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/bezopasnost-deyatelnosti-cheloveka-metody-izucheniya-i-analiza-riskov-v-trudovom-protsesse> (дата обращения: 08.04.2021).
5. Усманалиева З.У., Зулфикариева Д.А. Изолирование и обнаружение медамина биологических жидкостей. Farmatsevtika jurnali.-Тошкент, 2020. -№3. -Б.48-50.
6. Murtozaevich, Narziev S., et al. "Radiation Situation Assessment And Safety Measures." *JournalNX*, 2020, pp. 320-324.
7. Narziev S., Asqarov J., Khokimyayev A. Methodology Of Organization Of The Labor Process And Preservation Of Employees' Health //The American Journal of Engineering and Technology. – 2021. – T. 3. – №. 04. – C. 79-84.